



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ★ www.uzhurriyat.uz ★ 2019-yil 30-oktabr, chorshanba ★ № 40 (1152)

ТАРИХ МУХРЛАНГАН САҲИФАЛАР



XIVA TONGI

Хоразм вилоятининг Хива туманида чоп этилаётган "Хива тонги" газетаси бош муҳаррири Шержон МАШАРИПОВ

билан бўлган суҳбатимиз ҳам туман газеталарининг матбуотдаги ўрни, улар айтиётган Сўзнинг қадру қиймати ҳақида бўлди.

⇒ 4-бет

ШАХРАМ ҒИЁСОВ:

«ОТАМ ОРЗУЛАРИНИ МЕНДА КЎРАДИ»



Асосийси, у ўз вази тоифасида дунё чемпионлигини қўлга киритиши керак. Бундан ташқари, Шахрам «Рио-2016»даги хатосини «Токио-2020» Олимпиадасида тўғрилаши лозим. Бу куларни кўришга эса кўп вақт қолгани йўқ...

⇒ 5-бет



«ЎЗЛИГИМ»НИ ИЗЛАБ...

...Гавжум пойтахтимизнинг хилват гўшаларидан бирида тўрт оёғи ерга қалган гиштин минорача бор. Унинг барпо этилишига сабаб бўлган воқеа рўй берганига 150 йилдан ошган. «Ёлгорлик»нинг ёши ҳам шунга тенгдир. Уни аҳоли «Часовня» деб атайди.

⇒ 6-бет

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Регби спорт тури ривожланади

Тошкент. Куни кеча Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда регбининг янада ривожлантириш, ушбу спорт турини республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш ҳақида сўз боради. Жумладан, қарорда юқори сифатли ўқув-машқ жараёнини таъминлаш, регбичилар, тренерлар ва ҳакамларнинг маҳорат даражаси ва малакасини доимий ошириб бориш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилган.

Мўйноқда янги объектлар

Қорақалпоғистон. Мўйноқда бир кунда 7 та янги объект фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан янгидан қурилган «Future Muynak» ахборот технологиялар маркази ва «Booksafe», замонавий типдаги электр тармоқлари мажмуаси, 70 ўринли «Сурхон кўёши» болалар боғчаси, Болалар мусиқа ва санъат мактаби, «Орол денгизи тарихи» музейи ва бошқа янги бинолар шулар жумласидан. Ушбу объектлар туман кўрғига кўч қўйиш баробарида маҳаллий аҳолининг турмушини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш, ёшларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши, маданият ва санъатга қизиқишининг орттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Гўзал ЯКУДАЕВА.

Қулайлик

Бухоро. Президентимизнинг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори асосида яшаб турган уй-жойларига эгалик ҳуқуқи бўлмаган Қорақўл туманининг 6352 нафар фуқаросига эгалик ҳуқуқи берилди.

— Шунингдек, яқинда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган шинам маъмурий бино фойдаланишга топширилди, — дейди вилоят «Ермулкадастр» ДК бош муҳандиси Маъруф Атаков.

Шавкат НОСИРОВ.

Саломатлик семинари

Самарқанд. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида намунали бирламчи тиббиёт муассасаларини ташкил этиш ҳамда унга қўйиладиган талабларга доир семинар ўтказилди. Маросимда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурриддинжон Исмоиловлар сўзга чиқиб, тиббиёт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталдилар. Тадбир давомида вилоятдаги тез тиббий ёрдам шохобчаларига 20 та махсус «Damas» автомашиналари топширилди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ.

«Ёш қўтқарувчи»

Навоий. Қизилтепа туманида мактаб ўқувчилари ўртасида «Ёш қўтқарувчи» мусобақаси ўтказилди. Ўзбекистон Мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қизилтепа тумани УСТК, мудофаа, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада ҳудуддаги 4-, 13-, 22-, 33- ва 42-умумтаълим мактаби жамоалари ўзаро беллашди.

Аҳоли, айниқса, ёшларни фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, уларнинг билим ва малакасини ошириш, чаконлик, чидамлилик ва тезкорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган мусобақада иштирокчилар 5 та шарт асосида куч синашди.

Х. АҲМАДЖОНОВА.

Сув келтирган элда азиз

Хоразм. Айни кунларда ҳудуд аҳолининг қувончи чексиз. Янги ичимлик сув тармоқларини қуриш ва сув тарқатиш мишоотларини реконструкция қилиш ишлари якунланиб, бирданига 5 та объект фойдаланишга топширилди.

Инвестиция ҳамда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастурлари доирасида Хазорасп тумани, Питнак шаҳрида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига киритилган сўтқасига 4000 м3 ичимлик сувини етказиб берувчи сув тармоқлари қурилди. Умумий қиймати 1,9 млрд. сўм ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, фойдаланишга топширилди.

Д. ЎРАЛОВА.

Ижодий ҳамкорлик



М.ҲАБИБУЛЛАЕВ (ўЗА) олган сурат.

Қозоқ рассомлари кўргазмаси очилди

Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейида «Оқтўбедаги шаҳар» кўргазмаси очилди.

Кўргазмада Қозоғистон Республикаси Оқтўбе вилояти тасвирий санъат музейида сақланиб келинаётган асарлар намойиш этилмоқда. Кўргазмадан рассомларнинг 70 га яқин асари ўрин олган бўлиб, улар ўзига хос жанр, тасвир, портрет, натюрмортлар, турли манзаралар ҳамда график асарлардан иборат. Асарларда

кўпроқ тарихий давр билан ҳозирги замон манзаралари, қозоқ халқи тарихи ва маданияти, Оқтўбе шаҳрининг гўзаллиги ифодаланган.

2019 йил — Ўзбекистонда Қозоғистон йили муносабати билан ташкил этилган кўргазмадан мақсад — икки давлат рассомларининг ижодий ҳамкорлигини

мустаҳкамлаш. Бу ерда Айдар Еспаевнинг «Уй ёнидаги кампир опалар», Алексей Верещагиннинг «Оқшом», Лилия Беликованинг «Натюрморт», Ирина Курманалинанинг «Балиқчилик», Жиргал Матураимовнинг «Қайтиш», Жанибек Есенгуловнинг «Бура», Марат Бекеевнинг «Кун охирида» ва бошқа рассомларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма 30 октябргача давом этади.

Ўз муҳбиримиз.

Таассуф

Тарихни сохталаштирган китоб ёки нуқсонларга бой рисола

Буюк қомусий олим, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур замонидан бери Фарғона вилояти тушунчасига ҳозирги Фарғона водийси ҳудудларининг деярли ҳаммаси қирав эди. Шу маънода Бобур мирзо шоҳ ва шоир сифатида нафақат ҳозирги уч вилоят халқи — Наманган, Андижон ва Фарғона аҳолиси учун, балки бутун мамлакатимиз халқи учун ўз кишиси, миллий фахридир.

Бирок ўтган асрнинг эллагинчи йилларидан то 2010 йилгача Андижон ва Наманган шаҳрида босилган китобларда, ҳатто айрим Тошкентдаги нашриётларда ҳам (чунончи «Болалар энциклопедияси» 2007 й.) Бобур туғилган жой гоҳ Андижон, гоҳ Аҳси дея икки хил ёзилиб келинди. Олдий илмий ҳақиқатлар шу даражада инobatга олинмадики, «Наманган» нашриётида босилган 100 бетликдан 500 бетликкача (Алихон Халлибеков «Наманган адабий гулшани» 2007) бўлган 10 га яқин китобларда «Бобур Аҳсида туғилган,

Аҳсида тахтга чиққан» деган нотўғри фикрлар қайд этилди.

Холбуки, бирор адабий ёки тарихий манбада Бобурнинг Аҳсида туғилгани ҳақида маълумот йўқ. Аксинча, биргина «Қобурнома»да Бобурнинг Андижонда туғилгани ҳақида олти ўринда асос бор ва шоир «Девон»ининг:

Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибига тараххум
айлазилким андижонийдур,

— байти Бобурнинг андижонлик эканлигини муҳраб қўйгандир.

Бу фактни бир қисм олимлар «янги талқин» деб хато ўйлайдилар. Бу байт Бобур «Танланган асарлари»нинг 1976, 1983 йилги нашрларидаёқ келтирилган эди.

У ёки бу шахсни миллатлар ва давлатлар «бизники» деб талашганлари, балки ўша улугнинг бахтидир. Лекин барибир «ўзлаштириш» илмга хилоф бўлмаслиги керак-да.

3

Долзарб!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги қарори асосида «Яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби ҳақида» вақтинчалик низом тасдиқланган. Ушбу ҳужжат трансплантация бажаришга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, донор ва реципиентнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

Органлар трансплантацияси

Давлат томонидан берилаётган доридармон воситалари беморларга нега салбий таъсир кўрсатмоқда?

Қарорда таъкидланганидек, трансплантация бажарилгандан сўнг донор ва реципиент учун камидан 3 йил давомида профилактик диспансер кўриги ташкил этилиши зарур. Шунингдек, амбулатория назоратида бўлган беморлар тегишли доридармон воситалари билан таъминланиши белгиланган.

Ўзбекистонда буйраги алмаштирилган беморлар сони 600 нафардан ошади. Улар иммунитетни пасайтирувчи доридармон воситалари мунтазам қабул қилишлари керак ва бу дорилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бепул таъминланади.

Аммо жорий йил август ойидан бошлаб беморларга тақдир этилаётган «Ролиграф» доридармон воситасини кўпчилик қабул қилишни истамай, ўрнига шу пайтгача қўланилиб келинган «Панграф» дориси берилишини талаб қилишади. Янги дорининг рад этилиши сабаби сифатида уни қабул қилган беморларнинг аҳоли оғирлашгани асос қилиб кўрсатилмоқда.

Бир гуруҳ беморлар ва уларнинг яқинлари «Адолат»

социал-демократик партиясига мурожаат қилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Муҳаррам Дадаҳўжаев ва фуқароларни қабул қилиб, дардларини тинглади. Парламентнинг қўйи палатаси биносига йиғилган депутат билан суҳбат асосида мурожаатчилар ўз истакларини билдирдилар.

Маъсуда Нурмухаммедова, беморнинг онаси:

— Қизимга 4 йил олдин отасининг буйраги кўчириб ўтказилди. Операцияни Хиндистонда қилдирдик ва шифокорлар доимий ичиб юришга дорилар буюрдилар. «Панграф» дориси давлат томонидан берилар, «Майфотик» деган дори эса дорихоналарда йўқ, интернет орқали Хиндистондан буюртма бериб, қимматга сотиб оламиз. Шу йил августдан бери Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бепул тарқатиладиган «Панграф» ўрнига «Ролиграф» бериладиган бўлди. Лекин уни қабул қилгач, аҳоли оғирлашган беморлар ҳақида эшитдик.

2

«ОБУНА – 2020»

Келгуси
йил учун
обуна
давом
этмоқда.



Азиз юртдошлар,
«HURRIYAT»га ошно юраклар — албатта обуна бўлинг!
«Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.
Нашр индекси: 233.

► Маънавият

Мамлакатимизда бугунги кунда изчил тарзда олиб бориладиган Ҳаракатлар стратегиясининг мағзида маънавият масаласи ҳам тургани рост. Шу асно муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил июлда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қарори қабул қилинганини алоҳида эътироф этишимиз жоиз. Мазкур қарорнинг энг ибратли жиҳати кўпдан ҳаммамизнинг оғриқли дардимиз бўлиб келадиган “жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қиладиган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатлар”га барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўллари кўрсатилиб, бизни ўйлаш ва ҳаракат қилишга ундаганидир.

Тоza тарбия булoғи

Зотан, ушбу қораламада ҳам юқориди саналган ҳар қандай камчилики бартараф этишга қодир баркамол инсон тарбияси ва ундаги бевоқифона оналарнинг роли ҳақида сўз юртамизки, жамиятнинг барқарор ривожланишида, айниқса, бу тарбиянинг роли бекиёсидир.

Муқаддас битикларда ёзилишича, инсон борки, таваллуд топган лаҳзаларида фақат фитрат (соф табиат) ила туғилар экан. Унинг иймонийми, насронийми, шайтонийми бўлиб ўлғайиши эса кейинги тарбияси билан боғлиқ бўларкан. Бунини ўқиб-ўқиб билганлар умр бўйи ўзларини гуноҳу хатолардан поклаб боришга ҳаракат қилар, фарзандларига ҳам тинимсиз тоза тарбия буюқларидан сув тулар эканлар.

Афсуски, кейинги пайтларда юқоридики қадриятларимиздан баҳраманд бўлиб, дунё донишмандларининг ҳикматларини ўқиб фаланду оила бахт-саодати учун астойдил ҳаракат қиладиганлар қаторида Истиқлолдай улғу неъмат берган бугунги бетимсол имкониятларнинг қадрига етмай, сунитизмолликлар ичида, ҳаётини фақат мол-матох тўплаш мушаккал ва бе-ичмоқдан иборат, деб ҳисоблайдиганлари ҳам учраб турибди. Тарбия масаласини фарзандига фақат ҳашамли кийим-кечак олиб бериш озиқ-овқат ва пул таъминоти деб тушунадиган ота-оналар ҳам бор.

ИБРАТ ҲИҚМАТИ

Хатирчи туманида “Ғофиржон Абдуҳаликов” фермер хўжалиги бор. Уни илк фаолият бошлаган 2005 йилларда асли касби педагог бўлган Саноатхон Уринова бошқарган. Ери ҳам унчалик кўп эмас, 20 гектарча келарди. Лекин йил сайин йириклашиб-кечгайиб бораётган фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш имконияти ҳам орта борди. Ҳозирги кунда 60 гектардан зиёд майдонда деҳқончилик қиладиган фермер хўжалигини эндиликда Саноатхоннинг катта фарзанди Бобошер Холликов бошқаради. Пакта, ғалла, пилла етиштириб, қорамолчилик ва паррандачилик билан шуғулланадиган мазкур хўжаликнинг файзу барокоти йил сайин ортиб бораёпти.

— Қайнотам Абдуҳалиқ Ҳалимов жуда салоҳиятли деҳқон, уста пахтакор бўлиб, у кишини мамлакатимизда ҳам яхши танишар эди. Турмуш ўртоғим раҳматли Ғофиржон Абдуҳаликов ҳам ота изидан юриб, жамоа хўжалигини бошқараётгандилар. Тақдирнинг ёзиғи шу экан, ҳаётдан эрта кетдилар. Лекин ишларини давом эттиришга ўғлим ёш эди, фермерлик ҳаракати бошланаётган йиллар эди. Туманимиз ҳокими, ишбилгич ёш раҳбар Эркинжон Турдимовнинг далдалари билан фермер хўжалиги ташкил қилдим ва белимни маҳкам боғлаб, далага чиқиб кетдим. Бу нарсаси ҳам қайғуларимга таскин бўлди, ҳам қайнотаму турмуш ўртоғимнинг хайрли ишлари тўхтаб қолмади. Шўқри, дилбандимиз Бобошержон ҳам институтни битиргач, аввал ёшлар ташкилотда, кейин банкда ишлаб юрди-ю аста-секин ёнимга кирди...

Саноатхоннинг ҳаётидаги энг оғриқли, долғали, захматли давр ҳақида қисқасига ҳикоя бўлган бу гапларнинг мазмуну масаласи нақадар юқор эди. Аввало, ўзи она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлса-да, оиласи, жуфтига сadoқати туфайли матонатли меҳнати, уста деҳқонларнинг қадрини жойига қўйиб ишлатиб, ўзи ҳам улардан иш ўрганиши-ю фидокорлиги сабабидан ҳақиқий Деҳқононимга айланган қаҳрамонимиз шахсий ибрати ва тарбия-сабоқлари билан йилма-йил ўғли Бобошержонни ҳам комил деҳқон даражасида камолга етишига хизмат қилди.

Оқибатли, ҳақиқий избосар ўғил ҳам 2016 йилдан эътиборан онасининг қўлидан ишини тўлиғича олиб, фермер хўжалигини ибратли даражада бошқара бошладилар. Бобо, ота қони билан ўтган ишбилгичлик, заминга муҳаббат, ёш бўлса-да, унияма уста деҳқонга айлантирди. Лекин у йиллар давомида биров билиб, биров билмас, онажони Саноатхон Уриновадан кўп нарсаларни ўрганган. Масалан, меҳнат қиладиганларнинг қадрини жойига қўйишни, адолатли, яхшилик қилишга сабоқдорлики, меҳрибонлиги муомала маданиятини ўзлаштирди. Кези келганда энг яқинларининг

тўй-маъракасига ҳам боролмай, даласига парвона бўлишдай фидокорлики-да меҳрибонлигида кўриб, бундай жоннисорлики-да юқтириб олди ўзига.

Саноатхонда ҳаммаса яна бир гўзал хислат бардавом эди. Қайнотаси ва жуфтидаги энг ибратли фазилатларни дилга ибратли юрганди-ю мавриди келиши билан уларни ўғлининг феълига сингдиришга ҳаракат қиладиган эди.

Ана шулар боис бугунги кунда мазкур фермер хўжалиги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича вилоятда юқори ўринлардан бирида турибди. Ҳар йили ғалладан гектарига 70 центнердан ошириб ҳосил олишадиган бўлса, пахтачиликда ҳам ҳосилдорлик 45-50 центнерни ташкил этаётган. Хўжалик пиллакорлари эса ҳар йили бир тоннадан зиёд пилла етиштириб, ишловчиларига нақадар нафиса файзу барака кириб боришига имкон яратишмоқда.

Ўғли ёнига кириб, асосий ишнинг юқини олгач, Саноатхон энди қиз узатиб, ўғил уйлантириб, невараси бўлиб, ишчиларининг ана шундай орзу-хавасларига бош бўлиб, қалби қувончларига тўлиб яшамокда.

Лекин ҳаммаса шундай. Қаҳрамонимиз ғира-шира тонгда туриб, по-ю пиёда далага отланади. Ва яна ҳар кун даладаги ўнгу сўлга, орту олға қадамлаб чиқиб, юмушларни сарҳисоб қилиб, шундан ўзига руҳий қувват олиб, ишнинг самарали, барокатли боришига имкон яраттаётган даланинг фидокор Бегойми бўлади. Кечаги кунда ана шундай ишбилгич “Фермер опа” бўлиб, бор куч-имкониятини яратувчилик ишларига сафарбар этган бўлса, бугун миллимиз оналарининг ибратли ҳаёт тарзига мувофиқ умргазаронлик қиладиган Саноатхон ҳожи ая бўлиб ўғлига мадад қўлини чўзади. Тенгдошларига эзгулик ва хайрли ишлар қилиш борасида, аникроғи, фарзандларини тўғри йўлга йўллаш масаласида алоҳида ибрат кўрсатади. Хўллас, қиссадан ҳисса, сифатида айтишимиз жоизки, қачонки унга ўша-ганларга дуч келсак, қаҳрамон шоиримизнинг “Шундайлар бўлмаса агар дунёда, Бунчалар

муҳтарам бўлмасди аёл” деган мисралари тилу дилимизда жаранглайверади.

ЖАСОРАТИ,
ШИЖОАТ?

Навбахор туманининг “Янги қўрғон” қишлоғида Собиржон исмли йигит истикомат қилади. Бахтсиз тасодиф туфайли болалиги ўсмирлигининг орасида бир оёғидан айрилган бу йигит бугун бир оёғи билан трактор ҳайдайди, ер чопайди, мол боқайди. Айниқса, унинг хусусий трактори томига чиқиб, бир оёқда турганича тележкага ўт-ўлан босаётган йигитларга жўяли маслаҳат бераётганини кўрганда, ўз-ўзидан дилингда ифтихор ҳиссини туясан киши. Тўрт мучаси соғлом, лекин на ахлига, на жамиятга фойдаси тегмай юрган касларга дуч келганда эса айниқса, бу фактнинг ибрати буюқлиги аққол кўзга ташланаверади.

— Оёққа бир ўроқ кириши билан ҳам шундай бўларканми?! Нима илож, чириш касали бошланиб, авж олиб кетгач, бир оёғимдан айрилишдан бошқа илож қолмади, аввалгига тушунликка тушдим. Айниқса, бу аҳолимизга қараб ота-онам шу қадар эзила бошлашдики...

— дея дилидагиларни тўкиб солди қаҳрамонимиз бир лаҳзалик суҳбатимиз асносида. — Очиги, мен уларни бундай аҳволдан қутқаришим керак эди. Шунинг учун дастлаб ҳунар ўрганиб, пойабзал таъмирловчи уста сифатида иш бошладим. Лекин ўқувчилик пайтимадаёқ қишлоқ тракторчиларига эргашиб, гўза қатор ора-ларига ишлов бериб юрганларим ҳаёлимни тортаверди. Раҳматли Аҳад Хайруллаев деган собиқ хўжалик раиси бўларди. Ўша — мен учун оғирдан оғир кечаётган кунларда шу инсоннинг меҳрибончилиги билан тугаб бораётган хўжалигининг эскигина тракторини сотиб олдим. Шундан бошлаб ҳаётимга янги мазмун кирди...

Лекин худди ана шу нуқталарда мазмузининг яна бир қаҳрамони фаолияти ҳам аққолроқ кўзга ташланади. Умр бўйи қишлоқда ҳамшира, маҳалла фаоли, сарқори, кайвониси бўлиб эл-юртига сидқидилдан хизмат қилиб келадиган Собиржоннинг онажони Мўмина Азимова бундай кезларда фарзандига чин маслаҳат бўла олди. Нафакат сўзу далдаси, маслаҳатлари, руҳий қувватлашлари билан балки, эл-юрт ишига фидокорлиги, шахсий ибрат кўрсатишлари билан ҳам Собиржонга ўша кунларда чин инсонлик йўлини кўрсатиб беролди.

— Қанча кўп эл қорига ярасанг, савоб иш қилсанг, ҳаётингга шўнчалик барокот инмиш рост экан, — дейди Мўмина опа ифтихор билан. — Собиржонимнинг бугун қатор-қатор прицепли тракторлари бор. Қишлоқ фермерларига, аҳолига қўл-қанот бўлиб, пахта, бўғдой, сомон, беда, дала хашак ташийдиган, ўрувчи “Кир” ускунаси билан ўт, поя ўради, ўғит сепиб, халқ хўжалигининг ҳамма соҳасига хизмат қилаверади. Лекин иш ҳақи учун талашмайди, инсонини унутмайди.

— Аллоҳ менга бир оёқда бўлсам-да, икки оёқ билан қили-

надиган ишларни бажариш имконини бериб қўйибди. Шунга шўқ қиламан. Шулар боис ҳам ҳеч кимни ноумид қайтармайман, хизмат ҳақи учун талашмайман. Шундан бўлса керак, хонадонимда барокотим зиёда...

Собиржоннинг беғубор, нурли чеҳрасида савобешалик, фидокорлик, захматқашлик ва кўйди-пишдилик феъли шундоққина чарақлаб кўришиб турибди. Энг эътирофлиси, унинг бу фазилату захматлари давлатимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланди. 2016 йилда “Жасорат” медалига лойиқ қўрилди. Бу мукофот нафақат қаҳрамонимизни, унинг эзгуликка ибрати билан фарзандини соғлардан-да саломат руҳ билан тарбиялаб, эл ишига қўшиб келадиган онажони Мўмина Азимова ҳам бекиёс қувонтирди. Етмишга яқинлашган бўлса-да, кучига куч, гайратига гайрат қўшди. У бугун ҳар лаҳзада ифтихор билан шундай дейди:

— Ҳар кунни тонгимиз эшикдан йўқлаб келувчилар билан бирга отади, кунларимиз фидокорона меҳнат билан давом этади. Ўзим ҳам, ўғлим ҳам элга кераклигимиздан бахтлимиз.

Дунё донишмандларидан бири: “Бизга яхши оналарни беринглаб, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз”, деган ҳикмати айтган экан. Аслида, яхши она деганда қандай онани тушунамиз? Фарзанди, оиласи учун фидокор, Ватани-халқига муҳаббатли, савобеша, эзгу-хайрли ишларни яхши кўрувчи, Аллоҳдан қўриқиб, икки дунё саодатини истифидан, ҳалол-покиза, муносиб-мушфиқа аёлни тушунамиз. Бундай она, аёл бўлиш учун эса албатта, китобхон, зиёли, Аллоҳни таниган инсон бўлмоғи керак!

Улуғ Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари: “Келин танлашда қизнинг етти пуштини суриштирдим”, деган тузукни бизга бекорга мерос қолдирмаганлар. Демокчимизки, аввало, етти пуштини суриштириб, келин қилиш бир масала бўлса, китобхонликка, зиёга интилиш яна бир муҳим масаладир. Зотан, муҳтарам Юртбошимиз бугун бекорга китобхонликка асосий эътиборни қаратаётганлари йўқ. Юқоридики қаҳрамонларимиз (ва уларга ўхшаган ўнлаб, юзлаб юртдошларимиз) эса фикримизнинг ёрқин исботи сифатида жамият-аро ибратли умргазаронлик қилишмоқда. Саноатхон тил ва адабиёт фани ўқитувчиси, Мўминахон опа ҳам қишлоқнинг бир зиёли аёли сифатида чарчаган руҳингизга нимадан ором қидирасиз, дея берган саволимизга, китобхонликдан, айниқса, Қуръону ҳадис, яна ҳикматлар шодаси жамланган қулиётлардан, дея жавоб беришди. Мана, маънавиятнинг сув ичар бўлоқлари, айниқса, фарзандини, баробарига жамиятни тарбиялагувчи оналаримиз машғул бўладиган буюк қўлланмалар...

Салима УМАРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

► Сайлов — 2019

Мамлакатимизда жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда очиқликни таъминлаш учун нафақат оммавий ахборот воситалари имкониятлари, балки интернет тармоқларидан ҳам кент фойдаланилади.

Сайловда очиқликни таъминлаш учун барча имконият яратилмоқда

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Навруз Ризаевнинг маълум қилишича, айна пайтда сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш давом этмоқда. Шу кунга қадар Марказий сайлов комиссиясига 20 дан ортиқ оммавий ахборот воситасидан 200 дан зиёд журналист ва техник ходимни аккредитациядан ўтказишни сўраб мувожаат тушди. Уларнинг барчаси аккредитациядан ўтказилди ва мандатлар топширилмоқда.

Тизимдаги яна бир янгилик — Марказий сайлов комиссиясининг янги талқиндаги — elections.uz сайти ишга туширилди.

Сайт янги дизайнда иш бошлади. Фойдаланувчилар маълумотларни излашда қийинчиликларга учрамасликлари учун раҳбарият ва комиссия аъзолари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунчилик, МСК қарорлари, янгиликлар, халқаро ҳамкорлик, эслатмалар ҳамда ОАВ учун керакли маълумотлар билан тўлдирилган алоҳида бўлимлар ташкил этилди. Маълумотлар ўзбек тилининг лотин ва кирилл ёзувларида ҳамда инглиз ва рус тилларида жойлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бўйича ҳар бир сайлов комиссияси ҳақида маълумот олиш мумкин. Бу эса вазирилик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқароларга барча сайлов комиссиялари билан алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Сайтда қўриш қобилияти паст бўлган инсонлар учун ҳам алоҳида имкониятлар яратилган.

Бундан ташқари, фойдаланувчилар олдларини бўлиб ўтган сайлов ҳамда референдум натижалари билан ҳам танишиб боришлари мумкин.

Сайтда сайлов кампанияси билан боғлиқ барча маълумотлар, бўлиб ўтаётган тадбирлар ҳақидаги ахборотлар жойлаштириб боришмоқда. Шунингдек, барча янгиликлар Марказий сайлов комиссиясининг ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида мунтазам ёритиб борилаётган.

Бир сўз билан айтганда, бу йилги сайлов очик, ошқораси учун барча имконият ишга солинмоқда. Эслатиб ўтамиз, сайлов кампаниясини ёритиш бўйича оммавий ахборот воситаларини аккредитациядан ўтказиш сайлов кунига ўн кун қолгунча давом этади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

► Талқин

Ҳозирги замон психологларининг таъкидлашича, спиртли ичимликка ружу қўйган кишиларнинг ақсариёти ақлини йўқотиб, ҳайвоний ҳолатга тушади. Гарчи айрим кимсалар “ўз чарчоғимни босиш учун” ёки “асабларимни тинчлантиришим учун”, деб ўзини овутисалар-да, оқибати ҳеч қачон яхшилик билан тугамайди.

Қоғозга тўкилган кўз ёш

Дунё адиблари ҳам ўзини англаган ҳолда битилган ҳар қандай асарда бунини инкор этишмаган. Аксинча, ўзгилни йўқотгандаги ҳар қандай ҳаракат беъмаъниликдан бошқа нарсаси эмас сингари фикрларни кўп марта айтишган.

Алишер Навоий ўз асарларида маст ҳолатга тушган одамлар одаимийлик қиёфасини, шевасини бутунлай йўқотиб, ўз яқинларидан, хатто ўз ҳолидан ҳам тамомилан беҳабар қолаҳагини кўп бор таъкидлайди. Тарихчиларнинг ёзишича, улуғ шоир Ҳусайн Бойқаро саройида ўтказиладиган баъзи-жамширларни у қадар ҳушласам, умрини сархушлик ила беҳуда ўтказибатган кимсаларга ачиниш ҳисси билан қарар эди. Хатто, Мўмин мирзога ҳам бундай давраларда доимо ҳушёр бўлмоғи лозимлигини кўп бора уқтирган эканлар.

Не таассуфки, Ҳусайн Бойқародек улуғ ҳукмдор ҳам янглишади, ичкилик туфайли мудҳиш хатога йўл қўяди. Зиёфат чоғида жуда маст бўлган ҳукмдорга душманлари суяқли набирасини қатл этиш ҳақидаги фармонга муҳрини бостириб олишга эришади.

Бу оғир кулфат, оламни титратувчи хатоларни не-не алломалар, шоирлар надоматлар ила қоғозга туширмаганлар, кўплаб кинофильмларда ҳам бу фожа ўз аксини топган...

Ижодкорга нима керак? Энг аввало, ижод завқи билан яшаш ҳушудлик, дилқушлик бағишлайди. Яхши ва янги нарсаси яратиб олган адиб ўз-ўзидан бахтиёр, ҳушқатқач одамга айланади. Ўзини еттинчи самодар қорандек ҳис этади. Бундай ҳолатда кўнгли сархушлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Буюк итальян рассоми Микеланджело ўзи чизган суратдан таъсирланиб йўллаган, кўз ёшларини тия олмаган экан. Ёки ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий “Отан ҳақида” номи китобида шундай сатрларни келтиради: “Бибим бечора сакраб ўринларидан туриб, дадамнинг уйига йўл олдилар. Қап-катта кишининг йўллагидан ҳайратга тушиб, мен ҳам бибим ортидан эргашдим. Қир-сак, дарҳақиқат, у киши юм-юм йўллар, курсига тир-сакланиб олиб, тўхтовсиз ёзар эдилар. Кейинчалик англасам, ўшанда дадам ўз севиқли қаҳрамони Кумушнинг ўлими пайтини тасвирлаб, изтироб чекаётган эканлар...”

Демокчимизки, ижодкор қўлгиди чинакам меҳр ва ишқ муҳассам бўлгач, воқеалар реалликка айланади, ўзи билиб-билмаган ҳолатда мўъжиза яратиб қўяди. Бундай мўъжиза ўз қўли билан яратилган эрса-да, унинг қалбини ларзага солиб, бутун борлигини тўқилантиради. Ўшанда ҳолатда асар таъсиридан йилмаслиқнинг, изтиробга тушмаслиқнинг иложи бўлмай қолади.

Дурдона АЛИМОВА.

Ашуралӣ БОЙМУРОД.

Органлар трансплантацияси

Давлат томонидан бериладиган дори-дармон воситалари беморларга нега салбий таъсир кўрсатмоқда?

1 **Маҳбуба Чориева, бемор:** — 2018 йили буйрагимни трансплантация қилишди. Мен каби ҳорижда операция қилдиришга имконияти йўқларга юртимизда аъзо кўчириб ўтказишга рухсат берилгани яхши бўлди. Операциядан сўнг дори таъминотида узилиш бўлиб, “Ролиграф”га ўтилд. Мен ҳам бу дорини олишни рад этдим.

Дилшод Мамадалиев, бемор: — Ҳиндистонда операция бўлганман. Ўша ерда

шифокорлар тавсия қилган дориларни ичиб келяпман. Биз ҳар бир қадамимизни шифокор билан маслаҳатлашиб босишимиз керак. Ўзимизни асрашга, доимий парҳез қилишга мажбуримиз.

Жаҳонгир Мухрушбоев, беморнинг кўеви: — Қайнотамнинг буйрағи 2016 йили Ҳиндистонда трансплантация қилинган, унга онасининг буйрағи кўчириб ўтказилган. Августда яна алмаштирилган “Ролиграф”ни қабул қилди ва соғлиги

ёмонлашди. Ҳозир унинг ахволи жуда оғир, қайта буйрак кўчириб ўтказишга эҳтиёжманд бўлиб қолди, аммо бунга етарли маблағимиз йўқ.

Моҳичехра Тўрахъаева, бемор: — 2015 йили Ҳиндистондан операция бўлиб қайтдим. Шундан бери менга давлат томонидан “Панграф” бепул бериларди. Кейин “Ролиграф”га ўтказишди. Ушбу дорини бир ҳафта ичдим. Шу вақт ичида соғлиғимда салбий ўзгаришлар сездим. Масалан, қўнғлим айнаиди, ичим



кетди, қорним қаттиқ оғриди. Дорини тўхтатиб, аввалги турини сотиб олдим. Шўқри, ахволим яхшиланди.

Беморлар ва уларнинг яқинлари томонидан кўтарилган муаммо юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмий баёнот берди. Унда таъкидланишича, юртимизда ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган ҳар бир дори воситасининг серияси сифат назоратидан ўтказилиб, мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош трансплан-

толог Улуғбек Йўлдошевнинг айтишича, айна пайтда беморларга бериладиган “Ролиграф” дори воситасининг таркиби ва таъсир этувчи моддаси “Панграф” дори воситаси билан бир хил. “Панграф”, “Програф”, “Такролимус” дори воситалари суткасига икки марта қабул қилинган бўлса, “Ад-ваграф” ва “Ролиграф” дори воситаларининг таъсири узайтирилган бўлиб, улар суткасига бир марта қабул қилинади. Фарқи шунда.

Депутат Мухаррам Дада-хўжаева муножаатларни

► Худудий нашрларда

Бугун матбуот ҳақида турли мулоҳазалар, мунозаралар, аксил фикрлар авж олаётган бир замонда туман газетаси деган ибора ҳар қимда турлича фикр уйғотиши табиий. Бугун марказда чоп этилаётган газеталар сафига туман газеталарини қўйиб таққослаш бироз мушкул. Бироқ масалага моҳиятан ёндашсак, бу газеталарнинг ҳўғи баланд, чунки етишиб чиқаётган ижодкор ва журналистларнинг, зиёлиларнинг кўпчилигига дастлаб туман газеталари устозлик қилади, ўз заминининг бирорта истеъдодига бефарқ бўлмайди.

Хоразм вилоятининг Хива туманида чоп этилаётган "Хива тонги" газетаси бош муҳаррири Шержон МАШАРИПОВ билан бўлган суҳбатимиз ҳам туман газеталарининг матбуотдаги ўрни, улар айтаётган Сўзнинг қадр қиймати ҳақида бўлди.

«Матбуотнинг вазифаси фақат «ШОВ-ШУВ» кўтариш эмас...»

— Шержон ака, назаримда бугун халқнинг дарди кўпайиб кетаятгандай... Баъзида гир атрофинг айлана муаммолар оқимиға тушиб қолгандай ҳис қиласан ўзинг. Сиз нима деб ўйлайсиз, одамлар муаммоларга тез ечим топиш иштиёқига тушиб қолишгани ёки ота-боболаримиз дастуруламал қилиб олган "сабр" деган фазилатдан мосуво бўлишгани, ёхуд устоз шоир Матназар Абдулҳаким айтганидай, журналистларнинг ўзлари муаммоларга жойларга "Тез ёрдам" машинаси монанд чинқириб етиб боришяптими?

— Бу дунёда энг уйғоқ касб эгаси журналист, деб айтган бўлардим. Унинг вужуди ухлаши мумкин, бироқ қалби ҳеч қачон ухламайди. Сиз айтмоқчи, Матназар аканинг фикрлари давомиди Гётенинг "Дунё дарз кетса унинг чизиғи шоирнинг юрагидан ўтади", деган гапи бежизга келтирилмаган. Бу чизик фақат шоирнинг эмас, Сўзни байроқдай кўтариб чиққан ҳар бир одамнинг юрагидан ўтади.

Ҳеч бир замон муаммолардан холи бўлмаган. Фақат, газеталар, журналистлар бу борада, яъни муаммоларни ўрганиш, унга чора топиш борасида доимо илғор, пешқадамдир.

Газетамизда "Сизни тахририят эшитида" деган руқномимиз бор. Шу руқнома биз хат орқали келган, ўзи таширив бу юрган ёки кўнғироқ орқали қилинган муносабатларга жавоб берамиз. Газетамизда ранг-баранг материалларнинг берилаётгани ҳаёт билан ҳақиқат бўлишимизда деб биламан.

— Бугун ижтимоий тармоқларнинг босма оммавий ахборот воситаларидан ўзиб кетгани бор гап. Ижтимоий тармоқлардаги тезкорлик, кескинлик, ҳолислик босма нашрларда етишмаяпти деб ўйлайсизми?

— Ижтимоий тармоқлар, дейлик, оддий kun.uz, xabar.uz ва ҳоказо сайтларини оладиган

бўлсак, бир кунда камида 3-4 та шов-шув бўладиган материалларни беради. Бироқ матбуотнинг вазифаси фақат шов-шув кўтариш эмас, вазиятни ўрганиб, уни таҳлил қилиш, муаммага ечим топиш ва вазиятни тўғри ва ҳолис баҳолашдан иборат.

— Лекин бир гапни айтмоқчи эдим, бундай фурсатда босма оммавий ахборот воситалари ҳам кўлини чўнтакка тикиб, ижтимоий тармоқлар тарқатган ахборотларга маҳлиё бўлиб ўтиравермас керак...

— Бугун ахборот дунёни бошқаряпти. Кеча ҳам шундай эди ва бу эртага ҳам давом этади. 1996 йилда Хивага Франция президенти Франсуа Миттеран келган эди. Буюк мартабали меҳмон Хива гузаллигидан қаттиқ ҳайратланган эди. Буларнинг ҳар бири газеталаримиз саҳифаларида тарихий далил сифатида сақланиб турибди. Айтмоқчиманки, газета у ахборот тарқатувчи восита сифатида фақат бугунга хизмат қилиши мумкин. Бироқ у тарих, архив, солнома сифатида ҳам қандай асрга хизмат қилади. Мана, кўряпсизми, босма ахборот воситасининг хизматини? Ҳеч шубҳасиз айта оламаники, агар буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий ёки Абдурауф Фитратнинг публицистикаси агар ўша замонда аллақайси сайтларда чоп этилганда эди, эҳтимол бугун босма ҳолатда биз уни кўзимизга суриб ўқий олмаган бўлар эдик. Айнан босма оммавий ахборот воситаси бўлгани учунгина биз улардан ҳар қандай замонда баҳраманд бўлаяпмиз.

— Жадидларимиз чиқарган газеталарни ўқисам, уларнинг публицистикаси жуда пишиқ бўлганини, ҳар бир давр учун муҳим бўлган масалалар кўтарилганини кўраман. Сизнингча, бугунги журналист — ким? Бугунги кун журналистикасидаги салоҳият ва журъатни миллат оидинлари бўлган жадидларимиз журналистикаси билан солиштириб бўладими? Яъни бугунги кун журна-



Суртада: «Хива тонги» газетаси жамоаси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси (ўндан унчинчи) Садулла Ҳакимов билан.

листи учун журъат ва жасорат этикаси қай даражада муҳим деб ўйлайсиз?

— Албатта, журналистикамиз журъатли бўлиши шарт. Аммо журъатли бўлиш бу озингга келган гапни айтиш дегани эмас, жасоратли бўлиш бу воқеликни оёғини осмондан қилиб кўрсатиш ҳам эмас. Сиз жуда тўғри айтдингиз, ҳар қандай журъатнинг, ҳар қандай жасоратнинг этикаси бўлиши керак. Абдурауф Фитратнинг "Тилимиз" мақоласини ўқиб кўринг. У ҳар қандай даврда эҳсанлиқни, ўз латифатини йўқотмайдиган мақола. Уларда таҳлил бор, муаммоларга кенг миқёсда ёндашиш бор, кескинлик бор, мулоҳаза ва тақлиф бор. Лекин ҳар бир масалага юксак шарқона маданият ва этика билан ёндашилгани сезилади. Менинг назаримда вужуди эмас, қалби зиёли одамнинг мулоҳазаси ана шундай бўлади. Фитратнинг ўша мақоласи ёзилгандан буён жуда кўп сувар оқиб ўтди. Бироқ тилимизнинг нақадар бой ва шунинг баробарида нақадар "бахтсиз" эканлигини ҳозирги кунгача менинг назаримда Фитратчилик ҳеч ким очиб беролгани йўқ.

Устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев мақолаларидаги теранлиқни, Фаррух Жаббордаги учур маҳоратини ҳар бир аср журналистикаси билан таққосласа бўлади, назаримда. Зиё кўрган одамлар ўз миллатининг зиёлиларини, миллат

ойдинларини қадрлай олади. Ўзи яшаётган замондан, ўз фаолиятдан қониқмаслик ҳисси яхши, албатта. Бироқ биз бу учун Вақтга, келгуси асрларга терс қарашга маҳкум эмасмиз.

— Хива сайёҳлар шаҳри. Газетани тайёрлашда бу жиҳатга ҳам эътибор қарата-сизларми?

— Хива туризм шаҳри бўлгани учун йилига бир миллиондан ортиқ ички ва ташқи сайёҳлар келишади. Ўтган йилнинг ўзида 1 миллион 300 нафар турист келиб кетган. "Хива сайёҳлар нигоҳида" деган рубрикамиз бор. Шунда сайёҳларнинг Хива ҳақидаги таассуротларини бериб берамиз.

Яна бир ҳайратланарли нарсани айтиб ўтмоқчиман. 1994 йилда Хью Бернеде деган фуқаро Лондондан Хивага етти ярим минг километр йўл босиб мотоциклда келган.

Мен ундан шунча йўл босиб мотоциклда келмасдан самолётда келсангиз бўларди-ку, десам, "йўқ, мен табиийликни яхши кўраман, йўл-йўлакка қанча мамлакатларни кўриб келдим. Мақсадим шуки, бобом бундан 120 йил аввал Хивада бўлган, бориб китоб ёзган. Мен ўша китобнинг давомини ёзмоқчиман", деганди.

— Олдинлари олий ўқув юрларини битирганлар ўзи яшаётган вилоятга бориб, ўз фаолиятини бошлаган. Бугунги кунда эса ҳамма

иложи борича марказда қолишга талпинмоқда. Бу туришда бора-бора маҳаллий ишхоналарда етук кадрларга талаб кучайиши бор гап. Бу ҳолни сиз қандай баҳолайсиз?

— Агар республикамизда бугунги кунда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситалари бўладиган бўлса, булар орасида "Хива тонги"нинг ўз ўрни, ўз овози бор. Баъзида ҳайрон қоламан, биздан ўтган асрнинг 40-50 йилларидаги газеталарни сўраб келишади. Кибхонликка йўл газетадан бошланади-да.

Энди кадр масаласи фақат "Хива тонги"нинг эмас, бутун ўзбек матбуотининг муаммоси.

Вилоят ва туман газеталарида фақат фидойи одамларгина қолди. Чунки туман газеталарининг адади ёки сифатини пойтахт газеталарига солиштириб бўлмайди.

Айнан шу кадр масаласи бўйича шу йил "Hurriyat" газетасида Шерзод Қудратхўжаевнинг мақоласи чоп этилди. Ундан кейинги сонда "Ўзгиргани излаётган ўзбек матбуоти" деган мақола чоп этилди. Бунда айнан туман газеталарига кўпроқ ургу берилган.

— Айни пайтда газета обунасини кўпайтириш юзасидан қандай амалий ишлар олиб бориляпти?

— Яқинда мен "Қизилтепа тонги" газетаси бош муҳаррирининг мақоласини ўқиб қолдим. Унда ўрганадиган, таҳриб қиладиган нарсалар жуда кўп экан. Почта алоқаси билан ҳам, "Матбуот тарқатувчи" билан ҳам ишланмас экан. Газетани ўзи чиқарар ва ўзи тарқатаркан. Жуда ҳавасим келди. Бу газетанинг адади ҳозир ҳам 10000 дан кам эмас. Келгусида биз ҳам шу таҳрибани амалда қўллашимиз кераклигини ҳис қилаяпман. Бу бозор иқтисоди шароитида "Олма пиш, оғзимга туш" деб ўтириб бўлмайди. Бир пайтлар бизнинг газетамиз ҳам ўн минг ададда чоп этилган. Ҳозирги пайтда эса йил бошида 3000 тага ета олаяпмиз, ҳолос.

Гўзал БЕГИМ
суҳбатлашди.

► Таълим

Бугун ахборот асри тобора ривожланиб, интернет тизими қанчалик оммалашиб бормасин, барибир ҳаётимизни матбуот — газета-журналларсиз тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, фан ва таълим, адабиёт ва санъат янгиликлари, дунё воқеаларини матбуот нашрлари орқали ўқиб, танишиб борамиз. Улар дунёқарашимизни бойитишда беминнат ёрдамчидир.

Деворий газета ижодга рағбат уйғотади

Мактаб деворий газетаси ҳам ўқувчининг маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишида ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишида яқин кўмакчи вазифасини ўтайди. Байрамлар ва муҳим воқеаларга бағишланган деворий газеталарнинг кўркем, бе-закли, ўқилиш ва таъсирчан тайёрланиши ўқувчи ҳаётини ўзига тортмай қолмайди. Ижодий ва иқобий кайфият уйғотади. Бундай деворий газеталар мактаб ўқувчилари орасида эндигина қозғолаб, нималардир ёза бошлаган ўсмир-ёшларнинг илк машқларини ёритиши, у орқали мактабдаги тенгдошларнинг ўзаро фикр алмашиши муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ ҳозирги кунда деворий газеталарни тайёрлашда аввалгидек қўл меҳнатига таянилмапти. Аксинча, компьютер графикаларидан ёки тайёр ёпиштиригилардан фойдаланилаётганига ғувох бўлаяпмиз. Ҳаттоки, байрамларга бағишланган деворий газеталарни маҳаллий расомларга чиздириш ҳоллари ҳам кузатилади. Бунинг ўрнига, синф раҳбарлари ўқувчиларнинг ўзини меҳнат ва ижод қилишга ундагани яхши натижа беради.

Синфда "муҳаррирлар жамоаси"ни шакллантириш учун ана шундай машғулотларга қизиқиш бор ўқувчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, кўпчилик ёзувчи, шоирларнинг биографик асарларини ўқиганимизда, улар биринчи ижодлари мактаб деворий газетасида чоп этилгани, бундан ниҳоятда секинлиги, ўзларига бўлган ишончи орғанини кайд этиб ўтганига ғувох бўламиз. Бизнинг мактабимизда деворий газеталарни чиқаришда фақатгина ўқувчиларнинг иштирокига аҳамият берилди. Натижада, ҳар бир синф олийк деворий газеталар чиқаришни тақлиф қилмоқда. Синфдаги ўқувчилар чиқарган ёшига ва қизиқишларига мос нашрлар турли мавзудалиги ва ранг-баранглиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Мактабимизда бир неча йилдан бери тарих ва санъат музейи фаолият юритади. Ушбу музей ота-боболаримизнинг қадимда уй-рўзгор буюмларидан қандай фойдалангани ҳақидаги кўргазма ва экспонатлар билан бойитилиб борилади. Ўша даврнинг ҳаётини ифодаловчи фотосуратлар тўпланапти. Деворий газеталаримизда ўқувчиларимизнинг Иштихон ва бизга яқин худуднинг табиатини ўрганиш, бугунги кунда долзарб бўлган экологик билимларини ошириш, табиатга бўлган муҳаббатини кучайтириш, қушлар олами ва ҳайвонот дунёси билан танишиш, улар ҳаётини, яшаш тарзини ўрганиш борасидаги қизиқарли хабарлар, маълумотлар бериб борилади.

Одатда деворий нашрларга эътибор ва рағбат кучли бўлган илм даргоҳида ўқувчининг касб-хунар эгаллашга қизиқиши, ахлоқининг сезиларли даражада иқобий томонга ўзгаришига ҳар томонлама таъсир қилади. Қолаверса, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтиши таъминланади.

Афсуски, айрим мактабларда деворий газеталар фақат расм ва табрикомалардан иборат бўлиб қолмоқда. Баъзан уларда ном ва сана-си ҳам кўрсатилмайди. Мактаб деворий газеталари бирор тадбир, байрам муносабати билан чиқариладиган бўлса, унга тайёр расм ёпиштириб, табрикнома ёзиб қўйилмасдан, балки шу байрамнинг келиб чиқиш тарихи, неча йиллардан буён нишонланаётгани, бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилади. Албатта, бу жараён барча тиббий кўрсатмаларга риоя этилган ҳолда, ўз вақтида ва тўғри амалга оширилса, ҳеч қандай асорат бўлмайди. Аксинча, ОПВга қарши эмлаш орқали фарзандларимизни бачадон бўйни саратони деб аталмиш оғир дарддан ҳимоя этишга, келажақда уларнинг соғлом ва бахтли ҳаёт кечиришига эришилади.

Шундай бўлиши рост бўлсин!

Шароф ТУРОВОВ,
Иштихон туманидаги
5-умумтаълим мактаби директори.

► Матбуот анжумани

Сир эмаски, сўнгги йилларда аёллар ўртасида саратон хасталиги кўпайиб бормоқда. Айниқса, бачадон бўйни саратони кўп учраётгани айтилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, биргина 2018 йилда дунё миқёсида бачадон бўйни саратони билан қарийб 570 000 аёлнинг касалланиш ҳолати қайд этилган. Ҳар йили шу касалликдан 311 000 нафардан ортиқ аёл вафот этаркан. Аммо касалликнинг олдини олишда синалган ва самарали усуллардан бири — одам папиллома вирус (ОПВ)га қарши эмлашидир.

САРАТОН ХАСТАЛИГИГА Вакцина жорий этилди

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда 9-14 ёшга қизларнинг барчаси ушбу касалликка қарши эмланиши йўлга қўйилди. "Ёш қизларда вакцинанинг асорати қолмайдими?" — деган ҳақли савол тўғрисида. Ушбу масала юзасидан Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистонда бачадон бўйни саратони тарқалиши кўчрак беи саратонидан ҳамда касалликдан ўлим кўрсаткичи бўйича туғиш



Суртада: матбуот анжуманидан лавҳа.

ёшидаги аёллар орасида иккинчи ўринда туради. ЖССТ маълумотларига қараганда, ҳар йили юртимизда 1600 нафардан зиёд аёл бачадон бўйни саратони касаллигига чалинмоқда.

— Юртимизда шу вақтга қадар 12 турдаги касал-

ли оғирликлари бўлиб борилади. Эндликда одам папиллома вирусига қарши вакцина жорий этилди, — дейди Вирусология илмий-амалий тиббий маркази директори, тиббий фанлари доктори Эркин Мусабоев. — Мамлакатимизда ҳар бир

қизлар давлат ҳисобидан бепул эмланиши айтилди. Тадбирда қайд этилганидек, ЖССТ одам папилломаси вирусига қарши вакцина билан барча иммунизация дастурларига киритиш, тиббий фанлари доктори Эркин Мусабоев. — Бугунги кунда жаҳоннинг 96 давлати уни ўз миллий эмлаш календарига киритган.

Улар орасида Буюк Британия, Дания, Швеция, Финландия каби қатор Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Австралия ва Лотин Америкаси мамлакатлари ҳам бор.

Ўтказилган халқаро илмий тадқиқотларда шу аниқ бўлдики, юқорида қайд этилганидек, мазкур вакцина нафақат саратондан ҳимоялаш, балки репродуктив аъзолар саломатлигини ҳам яхшилади.

— 2010 йилда мамлакатимизда 8 минг нафар 9-15 ёшли қизларга вакцина қўлланилган эди. Ўтган даврда бу қизларда ҳеч қандай салбий ўзгаришлар кузатилмади, — дейди тиббиёт фанлари номзоди, профессор Дилбар Маҳмудова. — Бугунги кунда миллат генофондини яхшилаш, аёллар ва қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу вакцина олиб келинмоқда. Илмий изланишлар натижасига кўра, айнан 9-14 ёшдаги қизлар орасида мукаммал равишда иммунитет ишлаб чиқаради. Боиси, улар ҳали турмушга чиқмаган ва вирусни юқтириш иммунитетига эга бўлмади. Шу сабабли ҳам аниқ шу пайтда эмлаш бошқа ёшдагиларга нисбатан самарали бўлади.

— Папиллома вирусли касаллик бўлиб, унинг 200 дан ортиқ тури мавжуд. Айрим кўринишлари онкологик хасталикларни келтириб чиқаради. — дейди Эркин Мусабоев. — Хусусан, аёллардаги бачадон бўйни саратони ривожланишида айнан папиллома вирус етакчилик қилади. Вируснинг ўнга яқин тури жинсий аъзоларни зарарлайди. Унинг онкоген хавфи юқори бўлган — 6, 11, 16, 18 турлари эса саратонни пайдо қилиши мумкин.

Эмлаш жараёни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қатъи назоратида олиб борилади. Албатта, бу жараён барча тиббий кўрсатмаларга риоя этилган ҳолда, ўз вақтида ва тўғри амалга оширилса, ҳеч қандай асорат бўлмайди. Аксинча, ОПВга қарши эмлаш орқали фарзандларимизни бачадон бўйни саратони деб аталмиш оғир дарддан ҳимоя этишга, келажақда уларнинг соғлом ва бахтли ҳаёт кечиришига эришилади.

Шундай бўлиши рост бўлсин!

Феруза РАҲИМОВА,
«Hurriyat» муҳбири.

► Мерос

Ўлкамиз тарихий обидаларга бойлиги жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётган. Зеро, ҳар бир ёдгорликда теран тарих яширинган, балки у умуминсоний қимматга ҳам эга бўлиши мумкин. Ўтган тарихда бундай бебаҳо хазинага қандай муносабатда бўлингани ҳаммамизга маълум. Энди қарашлар тубдан ўзгарди, бу юмушга давлат даражасида эътибор берилди бошланди. Биргина республика телевидениесида “Ўзбекистон тарихи” канали ташкил этилгани қанчалик ўринли бўлганини қисқа вақтда миллионлаб мухлислар эътироф этаёпти.

«Ўзликим»ни иЗлаб...

Тарих фанининг отаси Херодот “Ҳақиқат — тарихнинг кўзгуси” деган экан. Ҳар қандай обидани ўрганиш чиндан ҳам чанг-ғуборлар ичида қўмилиб ётган ҳаёт ҳақиқатининг тўла юзага чиқишига хизмат қилмоғи шарт. Негаки, одамзод эзгуликка талпиниб, уни эъзозлаб келар экан (чунки дунёни асраб қолишнинг ягона йўли шу), тарих ҳақиқати ҳам ана шу олижаноб мақсадга хизмат қилмоғи жоиз. Бинобарин, ёдгорликлар ана шу эзгуликнинг тимсоллари бўлган, шунинг учун асраб-авайланган. Ҳеч вақтда ёвузликка ҳайкал қўйилмаган, чунки инсоният хотирасида бунга ўрин йўқ.

Одми гап шуки, қишлоқ четида ёғоч панжара билан ўраб қўйилган, кўрганда ваҳима кўзгайдиган “шайит” жойларнинг тарихини билавермаймиз ёки қизикмаймиз. Холбуки, энг чекка ҳудудларда ҳам шундай масканлар мавжуд ва улар билан боғлиқ ривоятлар, афсоналар оғиздан-оғизга ўтиб юради. Аслида, ўша майда туюлган гап-сўзлар ҳам қатта тарихимизнинг бир бўлаги. “Томчида кўёш акс этади” деганларидек, унинг гиштида ёки бир сиқим тупроғида қанча синоатлар яширинган бўлиши мумкин.

...Гавжум пойтахтимизнинг хилват гўшаларидан бирида тўрт оёғи ерга қадалган гиштин минорача бор. Унинг барпо этилишига сабаб бўлган воқеа рўй берганига 150 йилдан ошган. “Ёдгорлик”нинг ёши ҳам шунга тенгдир. Уни аҳоли “Часовня” деб атайдилар. У пайтларда бу жойлар яёдоқ дала бўлган, негаки шаҳарнинг машҳур дарвозаларида бири — Камолондан кириб, ўрдага етгунча масофа анчага чўзилган. Бугун у манзараларни ҳам, бўлиб ўтган гап-сўзларни ҳам айнан тиклаш имкони йўқ, фақат тасаввур қилинади, хотираларга қулоқ тутилади. Биз ҳам ҳўяли бирор гап билиш мақсадида шу атрофдаги ўт-ўланларни тартибга солиб

юрған йигитни сўхбатга чорлаймиз:

— Бу минора нима учун қўтарилган?

— Черняев қурдирган, дейишди. Бошқасини билмайман.

— Кўпдан бери яшайсизларми?

— Нима деганингиз? Биз бошқа жойда яшамангиз.

Маълум бўладики, Озодбек дунёга келганда ҳам шу кўча, қатор тушган ховлилар, жумладан, “Часовня” ҳам қад ростлаб турган. Ҳаммаси кўзга сингиб кетган, шу тўғайли бу гиштин иморатини нимага тиклангани ҳам ҳеч кимни қизиқтирмай қўйган. Мен эса ўзим билган чала-чулла маълумотларни тасодифий сўхбатдошим билан баҳам кўраман:

— Ўша Черняев деётганинг чор Россиясининг генерали бўлгани тарихдан маълум. Бир ярим асрча аввал Тошкентни қонга ботириб, таслим қилгач, шаҳар марказига Камолон дарвозасидан кириб бормоқчи бўлган. Мағлуб қавмни ўз кўзи билан кўриш ва уларни баттар хўрлаш мақсадида йўл четида одамларни тиз қўқатириб қўйишни буюради, ўзи шу издиҳомдан оқ отда мағрур ўтиб боришни ихтиёр қилади. Аммо ниманидир кўнгли сезадими...

Шу ўринда сўхбатдошим кўшимча қилди:

— Улар ҳам Худо назар қилган одам бўлган-да!

— Нима бўлганда ҳам, — давом этдим мен, — отга адъютантини миндиради. Генералнинг шубҳаланганича бор экан, отлик мана шу жойга келганда, дарахт шохида ўрнашиб олган камончи унга пайкон отади. Ўқ совутни ҳам тешиб ўтиб, юракка қадалади. Босқинчи бир бўкириб, отдан қулайди ва жон таслим қилади.

Сўхбатдошим воқеа шиддатидан анграйиб турган эди, охирини эшитиб, гурури жўшиб кетди чоғи, ҳаяжонланиб:

— Э, азалдан бу жойларда моҳир камончи усталар, исирг-

адан урадиган мерганлар яшаман-да. “Камолон” дегани ҳам “камон”дан олинган.

— Яшанган. Бор экансиз-ку. Нега олдин қизиқмаганиз?

— Қайдам. Ўйлаб кўрмаган эканмиз. Қардасиз, ака?

Менимча, у оғизга тўғри келган гапни айтиб юборганиди, мен ҳам оғзимга тўғри келганини айтдим:

— Самарқандданман.

— Самарқанд зўр жой, зиёратгоҳлари кўп.

Бу гапни “Мақбаралар билан қизиқиб сизларнинг ишингиз. Мени безовта қилманг”, деб тушундим. У ўз юмушига, мен ўз йўлимга кетдим.

Нима демокчи бўлганимизни фахлагандирсиз. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида Офтоб кўчаси бор. Равон тушган уйлар қаторида тўрт оёғи ерга қадаб тикланган, бир қаватли уйдан баланд гиштин минора (суратга қаранг). У ўша ўққа учган адъютантнинг хотирасига кўтарилган. Бу ҳақда матбуотда ёзилган. Жумладан, журналист Бахтиёр Ҳайдаров “Ўзбекчилик” (2012 йил) китобида ҳўяли фикрларни баён этган. Интернет тармоқларида ҳам маълумотлар етарли экан. Ҳозир гап булар ҳақида эмас. Б. Ҳайдаров масалага муносабатини билдирар экан, бу ҳолни “Унутувчанлик” деб атайдилар. Изидан шундай савол келади: нега шундай оламшумул қаҳрамонлик унутилиши лозим? Бу ўринда гап ёвқур камончи ҳақида кетаяпти.

Бир пайтлар чўпон Широқ шундай йўл тутган. Уни Херодот “Тарих” китобида муҳрлаб, ватанпарварлигининг олий намунаси сифатида инсониятга тўхфа этди. Ахир, еру осмонни титратиб келган босқинчининг қудратидан тап тортмай, уни йўқотишга жад қилган ватандошимиз — дарахт шохидаги камончи мерган ҳам билиб туриб ўлимга тик бораёпти, ватан озодлиги йўлида жонини тикаёпти. Унинг жасорати моҳияти



жиҳатидан Широқдан кам эмас. Бугун унинг қимлигини биламизми?

Шубҳасиз, қасос шафқатсиз бўлган. Уни тилкалаб ташлаш-гандир, ҳатто бундан ҳам баттар қилишгандир, аммо у ҳаммасига олдиндан руҳан тайёр бўлган. Фавқуллодда вазиятларда иложсизликдан баъзан тавақал қилинади, бироқ онгли равишда жасорат кўрсатиш энг юксак қаҳрамонликдир. Қаҳрамонлиқнинг асл моҳияти шу — ҳеч қандай таъмасиз, беғидир амалга оширилади бу фаолият (қолгани эса шунчаки “сабаби тирикчилик”).

Ана шу баҳодир билан боғлиқ хотиралар билан қизиқдик. Шубҳасиз, ўша пайтда ўзини-гина эмас, бутун авлод-аждодини йўқ қилиб юборганлари, номини қириб ташлаганлари аниқ. Шундай бўлгани рост экан, “Ўша камончи қим бўлган, болалар бирор гап айтишармиди?” деган саволга одамлар елка қисиб, “Наҳот уни эслаш жоиз бўлса?!” дегандек ажабсиниб қарашди. Хуллас, бу буюк қаҳрамонликдан дарак топилмади. Аммо қайсидир йилномаларда бу ҳодиса қайд этилган, ҳеч бўлмаганда мард камончининг исм-шарифи дарж этилгандир. Фақат аниқлаганимиз шу бўлди-

ҲАКИМ САТТОРИЙ.

ТАҲРИРИЯТДАН: ҳақиқатан, мамлакатимизда аж-додларимиз жасоратини шарафлаш, уларнинг ҳаёт йўлини ёш авлодга танитиш борасида жуда кўп эзгу ишлар қилингани баробарида ҳали ҳам лозим юмушлар етарли. Хусусан, юртимизнинг исталган ҳудудида қимлигини кўпчилик билмайдиган, лекин вақтида эл-юрт манфаати йўлида фидойилик, қаҳрамонлик кўрсатган улуг зотларни эслатиб турувчи ёдгорликлар кам эмас. Уларда муҳрланган тарих бундан беш юз йил, юз йил, ҳатто элик йил олдин рўй бергандир. Фахрли аждодларимизни янада чуқурроқ ўргансак яхши-ку! Сиздан юқоридеги мавзуга доир ва қаҳрамонларимизни муносиб шарафлаш юзасидан мактублар, таклифлар, фикр-мулоҳазалар кутамиз, азиз газетхон!



лайди. Кўргиликни қаранг, хонадон бекаси М.Каримова ховлини супуриб-сидириб бўлгач, чиқиндисини айнан битмаган уй олдида тўплаб ёқиб юборади. Олов чўғи ҳавода учиб, сомон гарамни устига тушади. “Вой до-од, уйга ўт кетди!!!” — ҳайкиригидан қўшиллар жонланади. Аммо гуруллаб ёнаётган олов бирпасда битмаган уйнинг 25 м.кв шифти ёғочларини ва молларга озуқалик учун йилгилган сомонни қулга айлантиради.

Туман ёнган хизмати ходимлари халқ орасида ёнғиннинг олдини олиш борасида профилактик сўхбатлар ва тегишли тушунириш ишлари олиб боришаётганига қарамасдан, жорий йилнинг ўтган даврида туманда 70 га яқин юқоридеги каби нохуш ҳолатлар рўй бергани ачинарлидир. Шу сабаб айрим лоқайд ва эътиборсиз фуқароларга нисбатан қонуний чора кўришга тўғри келяёпти. Ўзлари моддий зарар кўришаётгани рост, биноийдай кишиларнинг молхона ёнига тандирхона қуришлари ёки сомонни қурилиши битмаган уйда сақлашларини кўриб, наҳотки шунча нарсасига етган ақлингиз шунга етмайди, дегингиз келади.

Азизбек РЎЗИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Иштихон тумани ФВБ ЁХБ
инспектори,
катта сержант.

► Тафаккур

Дунёнинг ишлари сиёсатсиз тартибга тушмайди

Кўҳна олам удуми шундай: сирлар денгизда сузаверамиз, лекин ҳеч қачон қирғоқни кўрмаймиз.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

Шубҳа ҳақиқатга олиб борувчи йўл. Ким шубҳаланмаса, ҳеч нарсани кўра олмайди.

Абу Хамид ал-ҒАЗЗОЛИЙ.

Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалдир.

Абу Али ибн СИНО.

Кўрдимки, “эссиз”, “қанийди”, “қошқийди” билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

Нажмиддин КУБРО.

Юксалиш қийин, пастлаш осон, негаки, оғир тошни кўтариш мушкул, ташлаб юбориш эса енгил иш.

Махмуд аз-ЗАМАХШАРИЙ.

Дунёнинг ишлари сиёсатсиз тартибга тушмайди. Агар тавлим-тарбия, жазо тўғрисидаги қонун-қоида бўлмаса, мамлакат ишлари бузилади.

Хусайн Воиз КОШИФИЙ.

Ҳар бир кун учун ҳақ ва ҳақиқат — ҳозир нарс.

Абу Райхон БЕРУНИЙ.

Адолат элни яшнатади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ.

► Криминал хабарлар

Сохта ҳужжат наф бермади

Андижон вилояти прокуратураси “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ Андижон филиали бўлим етакчи мутахассиси М.Т. намунавий турар-жойлар қурилишида 13 та пудратчи корхона томонидан амалда бажарилмаган 365,8 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарилган дея қалбаки ҳужжатларни расмийлаштирган. Шу тарзда фуқароларнинг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилгани аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.



Бошқарма бошлиғи камомадни яширолмади



Жиззах вилояти прокуратураси томонидан ўтказилган тезкор тадбирда вилоят молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.К. “Д.” МЧЖ томонидан Пахтакор туманидаги МТМда назорат ўлчови якуни бўйича аниқланган 36,8 млн. сўмлик камомадни яшириш эвазига пора тариқасида олган 1.200 АҚШ доллари ва 4 млн. сўм миқдоридеги пул маблағларидан 1,5 млн. сўмини қайтариб бераётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди. Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилди.


Бош прокуратура матбуот хизмати.

Уринишлар фойда бермади



Қашқадарё вилоят божхона бошқармаси ходимлари ўтказган тезкор тадбир давомида, фуқаро С.Ч.нинг хатти-ҳаракатлари шубҳа остига олиниб, унинг бошқарувидаги “Матиз” русумли автомашинаси кўздан кечирилганда юкхонасида 165 қўти турли номдаги тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланди.

“MAN”га яширилган 76 шиша



Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари “Яллама” чегара божхона постига кириб келган фуқаро Т.А. бошқарувидаги “MAN” русумли юк автоуловини кўриқдан ўтказганида, тиркамасидаги қўтилар орқасига полиэтилен пакетда яшириб қўйилган, йўл юк ҳужжатларида кўрсатилмаган, умумий қиймати 6,9 миллион сўмлик 76 шиша идишда спиртли ичимликлар борлиги аниқланди.

Ҳар икки ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

ДБҚ матбуот хизмати.

► Ўйлаб кўринг

Тандирда пишган иссиқ нонни ким хушламайди дейсиз. Қишлоқ жойларда эса тандирхонаси бўлмаган уйни топиш қийин. Аммо айримлар уни сомонхонанинг ёнига қуришаётгани, алал-оқибат ёнғин содир бўлишига сабаб бўлаяпти. Эътиборсизлик, лоқайдлик қандай нохуш оқибатларга олиб келишини ўйламаётирлар.

Эътиборсизлик, лоқайдлик шунчаликми?

Иштихон туманига қарашли Исахон қишлоғида яшовчи фуқаро А.Саидхоннинг турмуш ўртоғи Б.Равшанова тандирга олов ёққанда ундан учган чўғни шамоли учирган, чўғ молхона ёнидаги сомон гарамни устига тушиб, ёна бошлаганда уй бекаси чўғни ўчиришга улгуролмади. Натижада молхона томининг 30 кв. метр жойи ва унда сақланаётган бир

қишга етарли сомон ёниб, қулга айланган.

— Яхшиям ўт ўчирувчилар вақтида етиб келди. Бўлмаса, олов уйга ўтиб кетарди, — дейди хонадон соҳиби.

Бу ҳам майли, бунисиға нима дейсиз: тумандаги Кўктепа қишлоғида Н.Мамарасулов қурилиши тўлиқ битмаган уйига сомон гарамини жой-

HURRIYAT Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси	Бош муҳаррир Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоли келишидан нархда	Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мақтубларингизни кутамиз. Алади: 4005 Буюртма — V-3867 1 2 3 4 5	Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91 Тел-факс: (0-371) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88 Обуна индекси: якка обуначилар ва ташқиётлар учун — 233	Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди. Навбатчи: Х.Файзиёва. Мусахҳиш: Ш.Убайдуллаева. “O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
--	--	---	--	--